

Ferghana Valley In The Reign Of Amir Khudodod Hussein

AMIR KHUDODOD HUSSEIN

The Ferghana Valley is one of the regions that plays an important role in the policy of the Amir Temur state. Ferghana Valley was also actively involved in political events in the country after the death of Amir Temur.

Among the emirs, who announced his grandson Khalil Sultan as governor, as soon as the news of Amir Temur's death reached the beaches of Tashkent, was Khudaydod Hussein. But he will not go to Samarkand with Khalil Sultan. Sheikh Nuriddinbek, one of Amir Temur's great emirates, and Shahmalik, on the instruction of the Sahibkiran, appointed Pirmuhammad, the ruler of Gaza, with the news that Amir Burundukbek had been reluctant to submit to Khalil Sultan. *Амир Темурнинг иирик амирларидан бўлмиши Шайх Нуриддинбек ва Шоҳмаликларнинг топшириғига кўра Соҳибқирон томонидан Ғазни ҳукмдори Пирмуҳаммад мирзо валиаҳд этиб тайинланганлиги ҳақидаги хабар билан амир Бурундуқбек этиб келгандан сўнг улар Халил Султонга бўйсунишни истамайдилар ва 2валиаҳд шаҳзодага содик эканликларини билдирадилар.* When Amir Burundi crossed the Syrdarya with his army to prevent Khalil Sultan from invading the capital to take over the capital, he broke the ships' bridge. In agreement with Amir Burunduk, Khudodod Hussein and Amir Shamsuddinbek, together with their troops, left Khalil Sultan's residence and headed towards Parkat. [2] Khalil Sultan, despite being betrayed by some of his emirates, rebuilt the Syrdarya bridge and continued his journey towards Samarkand. Amir Burundik, who was in consultation with Sheikh Nuriddinbek and the emir Shahmalik, changed his mind when he came to Samarkand, when he heard that the high commanders had not been able to enter Samarkand and he returned to Khalil Sultan's service. Historical references are not reflected in the actions of Goddess Hussain. However, Khalil Hussaini, who took advantage of the war between Khalil Sultan and other princes, took over the

Ferghana Valley and Uratapa. [3] Although Ibn Arabshah mentioned that the territories beyond the Syrdarya were formerly bestowed on Khalil Sultan by the governor of this land, [4], we think that Khalil Sultan, who was engaged in mutual wars and sought to consolidate his authority, seized it after the conquest of Amir Allah. the governor of these provinces.

Амир Бурундиқ Халил Султоннинг пойтахтни эгаллаш мақсадида Самарқанд шахрига юриш қилишига йўл қўймаслик мақсадида ўз қўшини билан Сирдарёдан ўтиб бўлгач, кемалардан ясалган кўприкни бузиб юборади. Амир Бурундуқ билан келишган ҳолда Худойдод Хусайнин ҳам амир Шамсиддинбек ҳамроҳлигида ўз қўл остидаги қўшин билан Халил Султон қароргоҳини тарқ этиб, Паркат томонга йўл олади.[2] Халил Султон эса ўз амирларининг бир қисми хиёнат қилган бўлса-да, Сирдарёдаги кўприкни қайта тиклаб, Самарқанд шахри томон юришини давом эттиради. Шайх Нуриддинбек ва амир Шоҳмаликлар билан бамаслаҳат иш юритаётган амир Бурундиқ Самарқандга яқинлашганда олий амирларнинг Самарқандга кира олмасдан Бухоро томон йўлга чиққанларини эшитгач, ўз фикрини ўзгартиради ва ортга қайтиб Халил Султон хизматига киради. Бу вазиятда Худойдод Хусайнининг қандай йўл тутганлиги тарихий манбаларда акс этмаган. Лекин, Халил Султон ва бошқа шаҳзодалар ўртасида тож-тахт учун кураш бошланганидан фойдаланган Худойдод Хусайнин кўп ўтмай Фарғона водийси ҳамда Ўратепани эгаллаб олади.[3] Гарчи Ибн Арабшоҳ Сирдарё ортидаги худудлар аввалдан бу ерларнинг ҳокими бўлган Худойдод Хусайнийга Халил Султон томонидан инъом этилганлигини қайд этган бўлса-да[4], фикримизча ўзаро урушлар билан банд бўлган ва ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга уринган Халил Султон юқорида айтилган худудлар амир Худойдод томонидан эгаллаб олингач, уни ушбу вилоятлар ҳокими сифатида тан олган бўлса керак.

Амир Темур вафот этган пайтда Андижон ҳокими Саодат исмли амир бўлган. У тарихий манбаларда амир Саодат ва амир Саодат Темур Тош номлари билан учрайди. Ибн Арабшоҳнинг қуидаги маълумотида унинг Фарғона водийсининг бош шаҳарларидан бири бўлган Андижон шаҳри ҳокими бўлганлиги, Мўғулистон билан чегарадаги ҳудудларни мустаҳкамлашга, шу ҳудудда жойлашган Бош Ҳумра қалъасини қайта тиклашга жалб этилган амирлардан бири эканлиги, Амир Темур вафоти тўғрисидаги хабарни Ашпара ҳокими Оллоҳдодга айнан амир Саодат етказганлиги қайд этиб ўтилган: “Оллоҳдоднинг Саодат деб аталадиган бир содиқ дўсти бўлиб, Андижон (шаҳри)нинг ноibi эди. Саодат таниқли ва машҳур кишилардан бўлиб, Бош Ҳумра (қалъаси)ни тиклашга таважжух қилган амирлардан бири эди. У Оллоҳдодга чопар юбориб ... Чопар ушбу хуш хабар билан мазкур йил рамазон рийнинг ўн тўртинчисида (16 март, 1405) Ашпарага этиб келиб, Оллоҳдоддан ғам-ғуссани енгиллатиб, унинг қайғу аламини кетказди”[5] Шарафуддин Али Яздий ҳам Амир Темур Хитой юриши бошланиши олдидан Саодат Темур Тошни Фарғона водийсига қўшин йиғиб келиш учун жўнатганлигини таъкидлаганлиги ҳам Ибн Арабшоҳнинг юқоридаги маълумотини бир қадар асослайди: “ Ва Андигон ва Ахсикат ва Тароз ва Кошғар ва Хўтанни амирзода Иброҳимга берди ва нишонлар бериб, ол тамфа бостурди. Ва шахзодаларнинг бекларидин Пир Муҳаммад Тарағай Буға ва Саодат Темур Тош ва Шайх Баҳлул Баён(Темур) Оқ Буға ва Муҳаммад Озодни йибардиларким, андағи черикни йиғиштуруб, Тошканда келгайларким, (барча черик йиғилатурғон ери анда эрди)”.[6] Амир Саодат Темур Тош белгиланган муддатда қўшин йиғиб, қишлоғ белгиланган ҳудудга

етиб келади ва Амир Темур вафот этган пайтда у ҳам Тошкент, Шоҳруҳия ва Сабронда қишилаган Халил Султон амирлари сафида эди. Лекин унинг Халил Султон билан Самарқандада йўл олган ёки ундан ажралиб қолиб кетган амирлар сафида ҳам унинг тилга олинмайди. Амир Соадат Темур Тош Соҳибқирон вафотидан сўнг Андижон шахрига қайтган ва Ашпара ҳокими Оллоҳдодга Соҳибқирон вафоти ҳақида маълумот етказган бўлса керак. Ашпараага амир Соадатнинг элчиси 1405 йилнинг 16 март куни этиб келганлидан келиб чиқиб, унинг Самарқандга кетмаганлигини тахмин қилиш мумкин. Чунки шу кунда Халил Султон ўз амирлари билан Самарқанд шахрида бўлиб, шу йилнинг 18 март куни темурийлар давлати тахтига ўтирган эди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, амир Соадат Соҳибқирон вафот этган вақтда Андижон шахрининг ҳокими бўлган. Унинг Амир Худойдод билан муносабати ёки қандай ҳолатда Андижон жумладан Фарғона водийсининг Амир Худойдод тасарруфига ўтганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Лекин, 1405 йилнинг май ойида Халил Султон томонидан Мирзо Султон Ҳусайн раҳбарлигига Амударё бўйида турган Ғазни ҳукмдори Пирмуҳаммад мирзонинг қўшинидан хабардор бўлиб туриш учун жўнатилган лашкар саркардалари сафида Амир Соадатнинг ҳам борлиги унинг тез орада Фарғона водийсидан чиқиб кетганлиги ва Халил Султон хизматига кирганлигини қўрсатади. Ибн Арабшоҳ ҳам гарчи Халил Султон топширифига кўра Балх шахри томон жўнатилган қўшин саркардалари сафида Амир Соадатни тилга олмаган бўлса-да, бу лашкар 1405 йилнинг май ойида Балх томон йўлга тушганлигини аниқ қайд этган[7]. Абдураззок Самарқандий эса бу юришни, яъни, Мирзо Султон Ҳусайннинг Халил Султон фармони билан Пирмуҳаммад мирзога қарши юриш бошлиши, кейинчалик хиёнат йўлига кириб бу қўшин билан Самарқанд тахтини эгаллаш мақсадида ортга қайтиши ҳамда Халил Султон томонидан тор-мор келтириши воқеаларини 1405 йилнинг 6 июлида якунига етганлигини баён

этади. У амирлар сафида Саодатни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади: “ мирзо Султон Ҳусайн димоғида ногоҳ салтанат хаёли пайдо бўлди ва амирларни чақириб: “Бир иш содир бўлдики, уни ҳал қилишда амирлардан бошқа ҳеч ким маҳрам бўлолмайди”, - деб буюрди. Барча амирлар унинг уйига тўпланиши. У эса чодир эшигига ўтириб, қўлларида илондек найзалари, кафтларида ўлим келтирувчи ўткир ўқёйлари бўлган, тифу ханжар ва гурзи сипарли йигирмата навкарига амирларни боғлашни буюрди ва амир Темурхожа, Хожа Юсуфларга ўлим шарбатини торттириди. Колган амирлар: амир Оллоҳдод, амир Арғуншоҳ, Мубашшир ва Саодатларнинг баданига титроқ туриб, тиз чўқдилар ва тавба-тазарру қилишга тушдилар. Ҳамжиҳатлик шартларини ўртага қўйиш ва кўп қасамёдлардан кейин Султон Ҳусайн уларнинг қонидан ўтиб, ўзига ноиб қилиб олди.”[8] Шундан кейинги тарихий воқеаларда унинг номи қайд этилмайди. Амир Саодатнинг мазкур юришлар пайтида ҳам амир Оллоҳдодга ҳамроҳ бўлганлидан ҳамда уларнинг яқин дўст эканлигидан келиб чиқиб Ашпара ҳокими бўлган Оллоҳдод ўз ҳудудларини ташлаб Самарқандга келган пайтда, тахминан апрел ойларида, у билан бирга амир Саодат ҳам Фарғона водийси, жумладан унинг асосий шаҳарларидан бири Андижонни амир Худойдод Ҳусайннийга қолдириб, водийни тарк этган деган хуносат қилиш мумкин.

Шу ўринда Амир Темур вафотидан кейин Фарғона водийсида ҳокимиятни эгаллаб олган Амир Худойдоднинг сиёsat оламига кириб келиши тарихига бироз тўхталиб ўтсак. Амир Худайдод 1376 йили Амир Темурнинг Мўғулистанга қилган навбатдаги юриши вақтида ҳалок бўлган Соҳибқироннинг йирик саркардаларидан бири Амир Ҳусайннинг ўғли бўлиб, отаси вафотидан сўнг амирлик мансабига эришган эди. Бу ҳақида Шарафуддин Али Яздий алоҳида тўхталиб ўтганлиги эътиборга лойиқdir: “Тонг отқонда соҳибқирон авжи азamat била етти ва Жета аҳволин билиб, Довудбек ва Ҳусайнбек ва Уч Қаро Баҳодурни Жета (черики) кейинида ийбарди. Алар ҳукм йўсини била амал қилиб, Ила суйининг қуйиси сори

юридилар. Ва Ҳусайнбек сувга сувға тушуб вафот бўлди... Ва Ҳусайнбек бу сафарда охират сори сафар қилиб эрди, аниңг мансабини ўғлиғаким, оти Худойдод эрди, берди”[9]. Низомиддин Шомий эса Амир Ҳусайнни Амир Темурнинг энг ишончли ва садоқатли баҳодирлари сифатида санаб ўтади.[10] Амир Ҳудайдод ҳам Соҳибқироннинг деярли барча ҳарбий юришларида қатнашиб, кўп бора баҳодирлиги билан тилга тушган, саройда каттагина мавқега эга бўлган амирлардан бири эди. Тарихчилар Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийлар Амир Темурнинг Мўғалистонга қилган ҳарбий юришлари, Олтин Ўрда лашкари билан олиб борилган муҳорабаларда Амир Ҳудойдоднинг фаол қатнашганлигини кўп бора қайд этганлар. Шунингдек, Амир Ҳудойдод бошчилигидаги ҳарбий қисмнинг кўриқдан муваффақиятли ўтиб, Соҳибқироннинг алоҳида эътирофига сазавор бўлганлигини таъкидлаган: “Черик барча ҳар ким ўз ерида турғондин сўнг соҳибқирон қўшун беклари беклари сори юриди. Ҳудойдоди Ҳусайнний тумониға етиб кўржиким, асру ораста ва йароғлиғ йигитлар отланиб турурлар. Ҳудойдод кўрдики, ҳазрат аниңг сори мувтаважжих бўлуб келадур, ўтрув келиб, оттин тушуб, йуқунуб от торти ва дуо тилини очиб деди, Шаҳаншоҳ ани таки кўп маҳтади, ани яхшилаб оғаринлар деди”.[11] Тарихчи ибн Арабшоҳ эса Амир Ҳудайдод Ҳусайнний ўз вақтида шаҳзода Халил Султонга оталиқлик вазифасини ўтаганлигини таъкидлаб, унинг шахси ҳақида ҳам, иккиси ўртасидаги низоларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида ҳам бир қатор фикрлар билдиради: “ ... Халил Султон илгари шу ерларда Ҳудойдодга қўшни эди. Бобоси (Темур) уни Ҳудойдод устига нозир қилиб қўйиб, унинг тарбияти ишларини Ҳудойдодга топширган эди. Ҳудойдод эса совуқ, ғализ, жоҳил ва қўпол одам эди. У Халил Султонга қўполлик билан муомала қилиб, уни дағаллик ва қўрслик билан қарши оларди. Халил Султон (эса) латиф зотли, зариф сифатли бўлиб, аҳлоқининг насими Ҳудойдод қўполлигини кўтара олмас, унинг латиф мижозининг либоси ҳошиясининг нозиклиги жиҳатидан шақоват ва низо тортишувига

бардош бера олмасэди. Натижада, мана шу қўрсликдан улар иккаласи орасида адоват туғилиб, ўрталарида ғийбатчилар кўпайишиб, ниҳоят Халил Султон унга яшириқча заҳар беришгача бориб етди. У уни ичди, лекин буни сезиб қолиб, ўзини ростлаб (олиб), унинг иложини кўриб, мижозини тузатадиган (нарса) билан шуғулланди.”[12] Соҳибқирон 1402 йилги Анқара жангидан сўнг амирзода Халил Султонни шимолий чегаралар хавфсизлигини кучайтириш мақсадида Туркиядан Туркистон шаҳрига жўнатган эди. Анқара жангидаги қатнашган саркардалар сафида Худойдод Ҳусайнининг номини зикр этилмаганлигидан келиб чиқиб Ибн Арабшоҳ сўз юритган воқеалар 1402 – 1404 йиллар оралиғида содир бўлганлигини фараз қилиш мумкин. Бу вақтда Халил Султон Туркистонда, Худойдод Ҳусайний эса Тошкент шаҳри атрофида бўлган. Ибн Арабшоҳнинг Худойдод Ҳусайний Халил султоннинг оталиғи бўлганлиги ҳақидаги маълумотдан келиб чиқадиган бўлсак, ўз набирасининг нисбатан ёшлигини ҳисобга олган Соҳибқирон Кичик Осиёдан қайтиш даврида мамлакаттнинг шимолий-шарқий ҳудудларини муҳофаза қилиб туриш учун Халил Султон бошчилигига қўшин жўнатган бўлса-да, умумий назоратни Худуойдод Ҳусайнийга топширган. 1404 йили етти йиллик юришдан Самарқандга қайтиб келган Соҳибқиронни ғалаба билан кутлаш учун келганлар сафида Халил Султон, Худойдод Ҳусайний ва Саодат Темур Тошларнинг номларини биргаликда қайд этилиши ҳам фикримизни қувватлайди. Амир Темур хукмронлигининг сўнгги йилларида Худойдод Ҳусайний Соҳибқирон топшириғига кўра ўз қўшинлари билан асосан мамлакаттнинг шимолий-шарқий ҳудудларида бўлган ва етти йиллик юриш вақтида ушбу ҳудудлар хавфсизлигини ҳимоя қилган. Бу эса унга Амир Темур вафотидан кейин Фарғона водийси, Шоҳруҳия ва Ўратепада ўз хукмронлигини ўрнатишида қўл келган.

Фарғона ҳукмдорига айланган Амир Худойдод Ҳусайний доимий равишда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга, қўли остидаги ҳудудларни кенгайтиришга интилган. У Мовароуннахр тахтини эгаллаган Халил

Султонни ўз ҳукмдори сифатида тан олмайди. Ибн Арабшоҳнинг таъбири билан айтганда “ Исён қиличини яланғочлаб, адоват ёйини ўқлаган ва Рудайний муҳофалатига шуруъ қилғанларнинг дастлабкиси Сайхун дарёси орқаси ва Туркистон атрофидаги ерлар мутаваллиси Худойдод Ҳусайний эди.”[13]

Гарчи ибн Арабшоҳ Туркистон атрофидаги ерларни ҳам Худойдод Ҳусайнийга бўйсунгандигини эътироф этган бўлса-да, лекин аслида бу ерлар Амир Темур вафотидан бир неча ой ўтгач амир Шайх Нуриддин қўлига ўтади. Худойдод Ҳусайний Сирдарё бўйи шаҳарларини ҳам ўз ўз қўли остига олишни ўйлаган бўлиши табиий, лекин унга Амир Шайх Нуриддин ҳалақит берган. Самарқанд тахти Халил Султон қўлига ўтгач бошқа йирик амирлар билан Шоҳруҳ мирзо хузурига йўл олган Шайх Нуриддин у ерда узок ушланиб қолмади. Тарихий манбаларда унинг қачон Шоҳруҳ мирзо саройини тарк этганлиги ҳақида аниқ маълумот берилмаган. Абдураззок Самарқандий 1405 йилнинг май ойида амир Шайх Нуриддинни Шоҳруҳ мирзо томонидан Мовароуннаҳрга муҳим ишларни бажариб қайтиш учун бир неча нуфузли амалдорлар билан биргалиқда жўнатилганлигини таъкидлаб қуидагиларни баён қиласди: “Ҳазрат ҳоқони сайд амир Шайх Нуриддин нимани маслаҳат кўрган бўлса, маъкул топди ва амир Шайх Нуриддин, Амир Абдусамад, Бакана Бахший ва Оллоҳдод хозинларни Жайхундан ўтиб, барча муҳим ишларни саранжом қилиб қайтишга тайинлади.”[14] Лекин Фасих Ҳавофиининг асарида эса ушбу топшириқни бажаришга жўнатилганлар сафида Фасих Ҳавофиининг ўзи ҳам борлиги қайд этилса-да, амир Шайх Нуриддин номи тилга олинмайди [15]. Шундан кейинги Хуросон воқеаларда унинг иштироки ҳақида ҳар иккала манбада ҳам маълумот йўқ. Фақат Абдураззок Самарқандий амир Шайх Нуриддин Шоҳруҳ мирзонинг рухсати билан қачон олий ҳукмдор Мовароуннаҳр томон юриш қилғанда ўз аскарлари билан хизматга етиб келишга сўз бериб, Мовароуннаҳрга кетганлигини таъкидлайди.[16] Фасих Ҳавофиий 1405 йилнинг ёзида бўлиб

ўтган воқеаларни баён этаркан Самарқанд шаҳрида Халил Султон томонидан Туман оқани амир Шайх Нуриддинга хотинликка берилганлигини ҳам қайд этади.[17] Юқоридаги маълумотлардан ҳам қўриниб турибдики, амир Шайх Нуриддин 1405 йил ёзининг бошларидаёқ Мовароуннаҳрга қайтиб келган. У Халил Султон ҳокимияти мустаҳкам эмаслигидан, Самарқанд ҳукмдорининг Хуросон билан чегарадаги муаммолар билан машғуллигидан ҳамда ўзининг Туркистон атрофларида катта нуфуз ва обрўга эгалигидан фойдаланиб, ўзи туғулиб ўсган юрти бўлмиш Туркистон шаҳри атрофларини, Сигноқ ва бошқа Сирдарё бўйи шаҳарлари билан биргаликда кўлга киритган. Амир Шайх Нуриддиннинг Мовароуннаҳрдаги кучли мавқейини ҳисобга олган Халил Султон у билан яқинлашиш мақсадида Туман оқани хотинликка беради. Шунингдек, Халил Султон Амир Темур вафотидан кейин Самарқанд тахтига Шоҳруҳ мирзони чиқаришни мақсад қилган, лекин ниятини амалга ошиrolмаган Шайх Нуриддиндан хавфсираши бежиз эмасди. Бундай кучли қўшни билан Халил Султоннинг яна бир рақиби Худойдод Ҳусайний ҳам ҳисоблашишга мажбур эди. Чиндан ҳам бироз вақт ўтгач икки йирик амир ҳам биргаликда Халил Султон ҳукмдорлигига қарши чиқишиди.

Худойдод Ҳусайний Сирдарё бўйидаги Туркистон, Сигноқ каби қатор шаҳарларни ўз тасарруфига киритган Шайх Нуриддин билан биргаликда Самарқанд атрофларига бир неча бор босқинлар уюштиради. Абдураззок Самарқандий 1409 йили Халил Султоннинг асир олиниши воқеасини баён этар экан, унинг Самарқанд яқинидаги Шероз қишлоғининг вайрони ҳисорига яширинганлигини қайд этади[18]. Бизнингча, бу маълумот Худойдод Ҳусайний ва Шайх Нуриддин қўшинларининг ҳужумлари кўплаб вайроналиклар келтирганлигини тасдиқлайди, чунки тарихий манбаларда 1409 йилгacha Самарқанд атрофларига бошқа ҳарбий кучларнинг босқин уюштирганлиги хусусида маълумотлар учрамайди.

1407 йили Халил Султон Амударё бўйларида ўз давлатининг жанубий сарҳадларини мустаҳкамлаш билан банд бўлганлигидан фойдаланган Амир Худойдод Ҳусайний Шайх Нуриддин билан биргалиқда Самарқанд шаҳрига юриш қилади. Гарчи амирлар бошчилигидаги Фарғона ва Туркистон қўшини шаҳарни эгаллай олмаган бўлса-да, улар катта ўлжага эга бўлишади. Шундан сўнг Шоҳруҳ миrzонинг ўз мулкидаги исёnlарни бостириш билан банд бўлганлигидан фойдаланган Халил Султон ҳам уларни жазолашга қатъий бел боғлаб, асосий ҳарбий кучларини ушбу юришга сафарбар этади. У Шоҳруҳия ва Хўжанд шаҳарларини ўзига бўйсундириб, Тошкент шаҳрини қамал қилади. Қамалдан сўнг шаҳар ҳимоячилари Халил султон билан сулҳ тузиб, унга бўйсунишга мажбур бўлдилар. Мамлакатнинг шарқий қисмидаги З та муҳим шаҳарни қўлга киритган Халил Султон Исёнчи амирларни тўлиқ тор-мор этиш мақсадида уларни таъқиб этишда давом этади. Ибн Арабшоҳнинг баён этишича, Халил Султон ҳийла ишлатиб чекинаётган амирларни ўзига хужум қилишига эришади ва уларни мағлубиятга учратади.[19]

Ушбу мағлубиятдан сўнг Шайх Нуриддин Халил Султон билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Лекин ўз иттифоқчисидан, шунингдек, Шоҳруҳия ва Фарғона водийсининг муҳим шаҳарларидан бири Хўжанддан маҳрум бўлган амир Худойдод Ҳусайний унга қарши курашни давом эттириди.

Худойдод Ҳусайнийнинг Халил Султонга қарши навбатдаги юриши 1409 йилда бошланди. Ибн Арабшоҳ бу юришнинг бошланишига Халил Султон саройида унинг олиб бораётган сиёсатидан нарозиликнинг кучайиб бораётганлиги, жумладан, унинг йирик амирлари Оллоҳдод ва Арғуншоҳларнинг Худойдод Ҳусайнийни Самарқанд юришига чорлаганлиги сабаб бўлганлигини таъкидлайди. Бу вақтда Шоҳруҳ Мирзонинг Хуросоннинг Бодғис яловида қўшин тўплаётганидан чўчиб, ўз қўшинлари билан Кешда турган Халил Султон амир Худойдод Ҳусайнийга қарши Амир Оллоҳдод ва Амир Арғуншоҳларни З минг кишилик лашкар билан жўнатди. Ушбу юришга қадар Худойдод Ҳусайний Хўжанд, Ўратепа ва Шоҳруҳия

шаҳарларини қўлга киритиб олган бўлса керак-ки, тарихий манбаларда ҳар икки томон қўшинлари Жиззах яқинида тўқнашганликлари таъкидланади[20]. Халил Султон юборган амирлар жанг қилишга журъат этмай ундан ёрдам сўрайдилар. Халил Султон 4 минг аскар билан Кешдан Жиззах томон йўлга чиқади. Ибн Арабшоҳнинг берган маълумотига кўра, айнан Оллоҳдод ва Арғуншоҳларнинг хоинлиги натижасида Халил Султоннинг ёрдам учун йўлга чиққанлигидан хабар топган Худойдод Ҳусайний Жиззахдан зудлик билан йўлга чиқиб, тўсатдан Халил Султонга ҳужум қиласи. Абдураззок Самарқандий Халил Султон Самарқанд яқинидаги Шероз қўргонида асир олинганлигини таъкидайди, Ибн Арабшоҳ эса бу воқеа Султония қўргонида юз берганлигини қайд этади[21].

Амир Худойдод Ҳусайний Халил Султон номидан фармон бериш йўли билан тезда бутун Мовароуннаҳрни ўзига бўйсундирди. Бу эса Шоҳруҳ мирзонинг бутун темурийлар мулкларини ўз қўли остида бирлаштириш орзусига тўғри келмас эди. Шунинг учун ҳам у тезда катта лашкар билан Мовароуннаҳр томон юриш бошлайди. Гарчи Халил Султонни номигагина ҳукмдор сифатида сақлаб турган бўлса-да, амир Худойдод Ҳусайний Шоҳруҳ Мирзога мактуб жўнатиб, унга бўйсунишга тайёр эканлигини маълум қиласи. Бу билан Худойдод Ҳусайний Шоҳруҳнинг ноibi сифатида Мовароуннаҳрни бошқаришга умид қилган эди. Аммо Шоҳруҳ мирзога унинг бу режалари маъқул келмайди.

Шоҳруҳ мирzonинг Мовароуннаҳ томон катта лашкар билан йўлга чиққанлигини эшигтан Сирдарё бўйи шаҳарларида ҳукмдорлик қилаётган амир Шайх Нуриддин Хурросон қўшинига ёрдам бериш мақсадида Бухоро шаҳрига юриш қиласи. Лекин Бухоро ёнидаги жангда Шайх Нуриддин қўшинлари Худойдод Ҳусайний томонидан тор-мор келтирилди. Аммо Ҳисор вилоятини эгаллаш учун юборилган амир Худойдод Ҳусайнийнинг лашкарбошилари Мирзо Амирак Аҳмад ва Мирзо Сайди Аҳмадларнинг Шоҳруҳ мирзо томонига ўтиб кетиши вазиятни тубдан ўзгартириб юборди.

Шохруҳ мирзонинг беҳиссоб лашкарига қарши чиқа олмаслигини, унинг Мовароуннаҳрда тарафдорлари кўплигини тушуниб етган Худойдод Ҳусайнин Фарғона водийси томон чекинишга мажбур бўлди.

Асир олинган Халил Султонни ўзи билан Андижонга олиб кетган Худойдод Ҳусайнин ҳеч бўлмаганди Фарғона водийсини ўз қўлида сақлаб қолиш мақсадида Мўғулистон хонларидан ёрдам сўрайди. Мовароуннаҳрда ягона давлатнинг қайта тикланишидан манфаатдор бўлмаган Мўғулистон ҳукмдорлари унга ёрдам беришлари мумкин эди. Бундан хавфсираган Шохруҳ Мирзо Худойдод Ҳусайнини ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилди. У шу мақсадда Ладуниё тархон орқали амир Худойдод Ҳусайнинга қўйидаги мазмунда мактуб йўллайди: “Илгарироқ “сиз учун бир иш қилиб қўйдим”, - деб арз қилган эдинг, энди биз ўша ишингдан миннатдормиз”, (деб билдириди) ва: агар у (Худойдод Ҳусайнин) бизнинг сабот қадамилизни вафодорлигу соғдиллик йўлида деб тушунган бўлса, ҳамда йироку яқинга кўрсатаётган тарбиятимизу турку-тозикни қўллаб-қувватлаётганимиз ҳақида эшитган бўлса, биздан ўзини тортиши учун бирор сабаб содир бўлмай туриб нега бизга келиб қўшилмади ва биздан юз ўгириб юрибди?”[22] .

Лекин Худойдод Ҳусайнин Шохруҳ мирзога бажарилиши мумкин бўлмаган шарт қўиди. У Шайх Нуриддинни банди этишни талаб қилган эди. Шундан сўнггина Шохруҳ мирзо Мовароуннаҳрнинг шарқий ҳудудлари томон юриш бошлашга қарор қиласди.

Юзага келган қалтис сиёсий вазиятда амир Худойдод Ҳусайнин Мўғулистон қўшини етиб келгунча вақтдан ютиш мақсадида Шохруҳ мирзога “агар Амир Шайх Нуриддин бу тарафга келса, ҳар нимаики маслаҳатдан кўрилса, шунга келишамиз”, деб хабар юборади[23]. Бу билан Худойдод Ҳусайнин Шайх Нуриддинни ўз томонига оғдириб олишни мақсад қилган бўлиши ҳам мумкин. Чунки Шайх Нуриддинга тегишли бўлган мулклар, яъни Туркистон вилояти Мўғулистон билан чегарадош бўлиб, у Мўғулистон билан урушдан ҳам, шунингдек, Мовароуннаҳрда Шохруҳ

хукмронлигини тўла ўрнатилишидан ҳам манфаатдор эмас эди. Кейинчалик Шайх Нуриддиннинг Шоҳруҳ хукмронлигига қарши бир неча бор исён кўттарганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу вақтда Худойдод Ҳусайнини ўзи Тошкентда бўлса, унинг ўғли Оллоҳдод Шоҳруҳия қалъасида, яна бир ўғли Абдуҳолиқ Хўжанд тоғларида жойлашган Аъло қалъасида эди. Фарғона водийсини забт этиш, амир Абдуҳолиққа қарши курашиш учун Мирзо Амирак Аҳмад бошчилигига қўшин жўнатган Шоҳруҳ мирзо ўзи Ўратепага келиб жойлашади. Шоҳруҳияни забт этиш эса амир Шоҳмалик бошчилигидаги лашкарга юклатилади. Худойдод Ҳусайнининг мўғуллар билан бирлашиши катта хавф туғдиришини ҳисобга олган Шоҳруҳ мирзо амир Шайх Нуриддинни Худойдод Ҳусайни билан музокара олиб бориш учун Тошкентга жўнатади. Лекин кутилмаганда Шайх Нуриддиндан аввал Тошкентга етиб келган мўғул шаҳзодаси Шамъи Жаҳон Шоҳруҳ мирзо қўшини қудратини ҳисобга олган ҳолда, Темурийлар давлати билан вазиятни кескинлаштиришни истамай Худойдод Ҳусайнини қатл этади ва ортга қайтиб кетади[24]. Натижада кўп ўтмай Шоҳруҳия қалъаси ҳам таслим бўлиб, Тошкент ва Туркистон шаҳарларида ҳам Шоҳруҳ мирзо ҳукмронлиги ўрнатилади.

Бу вақтда Шоҳруҳ мирзо ўз лашкари бир қисми билан Ўратепага жойлашган бўлса, Халил Султон эса Андижон шаҳрида эди. Лекин унда Фарғона водийсини ўз тасарруфига олиш учун ҳеч қандай куч йўқ эди[25]. У дастлаб Аъло қалъасида турган марҳум Худойдод Ҳусайнининг ўғли амир Абдуҳолиққа бориб қўшилади. Вазиятни тўғри баҳолаган Шоҳруҳ мирзонинг ўзи Хўжандга етиб келади ва Аъло қалъасини забт этиш учун амир Шоҳмаликни юборади. Аъло қалъаси анча мустаҳкам ва яхшигина ҳарбий кучга эга бўлса керак-ки, амир Шоҳмалик қалъани куч билан забт эта олмайди. Икки ўртада тузилган аҳдномага кўра ҳимоячилар қалъани топшириб, ўzlари ҳоҳлаган тарафга кетишга рухсат оладилар. Дастлаб амир Шайх Нуриддин олдига Туркистон вилоятига борган Халил Султон ундан

ўзи ҳоҳлаган кўмакни ололмайди. Натижада кўп ўтмай у Шоҳруҳ мирзога таслим бўлади. Шу тариқа 1405 йилдан буён алоҳида мулк сифатида мавжуд бўлган Фарғона водийсида Шоҳруҳ мирзо ҳукмронлиги ўрнатилади. Лекин Шоҳруҳ мирзо ҳам Фарғонани Мовароуннаҳр улуси таркибиға қўшиб юбормайди. Бу ўлка Амир Темур томонидан 1375 или Фарғона мулкининг ҳукмдори этиб тайинланган Умаршайх мирзонинг ўғли Мирзо Амирак Аҳмадга суюргол қилиб берилади[26] 1404 или Амир Темур томонидан янги улус шакллантирилганда Фарғона водийси Тароз, Қошғар ва Хўтан шаҳарлари билан бирга ягона улусга бирлаштирилганлигига тақлид қилиб бўлса керак[27], Шоҳруҳ мирзо Фарғона мулкига Қошғар шахрини ҳам қўшиб беради. Гарчи манбаларда фақат Ўзжанд вилояти Мирзо Амирак Аҳмадга суюргол этиб берилганлиги қайд этилса-да, 1414-1415 йилларда Қошғар вилояти ҳам Фарғона мулкига бўйсунганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд[28].

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, Амир Темур даврида унинг ҳолиса мулки бўлган Мовароуннаҳр таркибиға киритилмаган Фарғона водийси алоҳида мулк сифатида мавжуд бўлган эди (1399-1404 йиллар бундан мустасно). Фарғона водийси Амир Темур вафотидан сўнг яна алоҳида мулк сифатида қайта ташкил топди. Бу даврда Фарғона мулкининг худуди маълум муддат давомида Ўратепа вилояти ҳисобига кенгайди. 1409 или Фарғона Шоҳруҳ мирзо давлати таркибиға киритилиб, Ўратепа вилояти унинг тасарруфидан чиқарилди. Аммо Фарғона 1414 йилга қадар Темурийлар давлатининг алоҳида мулки сифатида сақлаб қолиниб, Қошғар вилояти ҳам унинг таркибиға қўшиб берилди.

1. Усмонов Б. Административное устройство Ферганы накануне и в начале прихода амира Темура к власти // Евразийских Союз Ученых. Международный научно-исследовательский журнал. 2019. №3. Часть-8. С.40-43.; Usmonov B. Ferghana in the Period of Amir Temur's Struggle for power (1360-1370). International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. 2019. Volume-9, Issue-1, November 2019 P. 3180-3187.
2. Шарафиддин Али Йаздий. Зафарнома /Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад ва Ҳ. Бобобеков, -Т. : Шарқ, 1997. Б. 303.

3. Аҳмедов Б. Улугбек. – Т. : Ёш гвардия. 1989. Б. 41.
4. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур: Темур тарихида тақдир ажойиботлари. /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. 2 - китоб. -Т. : Меҳнат, 1992. Б. 10-11.
5. Ибн Арабшоҳ. Ўша китоб Б. 5.
6. Шарафиддин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 293.
7. Ибн Арабшоҳ. Ўша асар 2 - китоб. Б. 80.
8. Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн / Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳи луғатлар тарих фанлар номзоди А. Ўринбоевники. -Т.: Фан. 1969. Б.82-83.
9. Шарафиддин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 77-78.
10. Низомиддин Шомий. Зафарнома /Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва маъсул муҳаррир – А. Ўринбоев, изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники), Ҳофизу Аброни «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – О. Бўриев -Т. : Ўзбекистон, 1996. Б. 80.
11. Шарафиддин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 132.
12. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур: Темур тарихида тақдир ажойиботлари. /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. 2 китоб. -Т. : Меҳнат, 1992. Б. 21-22.
13. Ибн Арабшоҳ. Ўша асар. 2 - китоб. Б. 14.
14. Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн / Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳи луғатлар тарих фанлар номзоди А. Ўринбоевники. -Т. : Фан. 1969. Б.64.
15. Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи / Пер. предис. примеч. и указатели Д. Ю. Юсуповой. – Т. : Фан, 1980. С. 128.
16. Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн / Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳи луғатлар тарих фанлар номзоди А. Ўринбоевники. -Т. : Фан. 1969. Б.125.
17. Фасих Хавафи. Ўша асар. С. 131.
18. Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн / Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳи луғатлар тарих фанлар номзоди А. Ўринбоевники. -Т. : Фан. 1969. Б.125.
19. Ибн Арабшоҳ. Ўша асар. 2 - китоб. Б. 45.
20. Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн / Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳи луғатлар тарих фанлар номзоди А. Ўринбоевники. -Т.: Фан. 1969. Б.125.
21. Абдурраззоқ Самарқандий. Ўша жойда; Ибн Арабшоҳ. Ўша китоб Б. 56.
22. Абдурраззоқ Самарқандий. Ўша китоб. Б. 131.
23. Ўша жойда. Б. 132.
24. Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи / Пер. предис. примеч. и указатели Д. Ю. Юсуповой. – Т.: Фан, 1980. С. 152.
25. Ибн Арабшоҳ. Ўша китоб. Б. 62-64.
26. Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи. С. 152.
27. Шарафиддин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 293.
28. Абдурраззоқ Самарқандий. Ўша китоб. Б. 233. ; Аҳмедов Б. Ўша асар. Б. 69-72.